**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

**"НКМК" АЖ Бошқарув раиси – Бош директор**

**_____________ Қ.С.Санакулов**

**"___" ________ 2022 й.**

NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI AKSIYADORLIK JAMIYATI NKMK №1

**"НКМК" АЖда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-154-сон Фармони ижросини самарали ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар**

**РЕЖАСИ**

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Амалга ошириш механизми | Муддат | Масъул ижрочилар* |
|---|---|---|---|---|
| **I. Очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш.** | | | | |
| **1.** | Матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-турлар, тақдимотлар ҳамда бошқа тадбирлар ўтказиш. | Ҳар йилда 6 тадан ортиқ тадбирларни ўтказиш. Мазкур тадбирларда жамият раҳбарлари ёки директорлари иштирокини таъминлаш. | Йил давомида<br>2023 йил | Х.Раупов,<br>А.Жўраев,<br>Бош директор ўринбосарлари,<br>тегишли масъуллар |
| **2.** | Ижтимоий тармоқларда онлайн трансляциялар ўтказиш. | Ҳар йилда 6 тадан ортиқ онлайн трансляциялар ўтказиш. | Йил давомида | Х.Раупов,<br>Б.Абдуллаев |
| **3.** | Ахборотни етказиб бериш ва қамровини ошириш. | Жамият фаолиятига оид ахборотларни инфографика, фото, видео, матн шаклда радио, телевидение, газета, жамиятнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда жойлаштириб бориш. | Доимий | Х.Раупов,<br>А.Жўраев,<br>Б.Абдуллаев |
| **4.** | Жамият фаолиятига оид янгиликлар ва муаммоларни ёритиб бориш. | Жамият фаолиятига оид муаммоларни ҳамда жамият бўйича билдирилган материалларга нисбатан расмий муносабат бериш. | Доимий | Х.Раупов,<br>А.Жўраев,<br>Б.Абдуллаев |

KIRISH № 148

2022 y. «07» 12

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **5.** | Ўтказилган тадбирлар ҳақидаги ахборотларни эълон қилиш ва танқидий маълумотларга тезкор муносабат билдириш. | Ўтказилган тадбирлар бўйича маълумотларни тадбир якунлангандан кейин 1 соат ичида эълон қилиш.<br>Танқидий материал эълон қилинган вақтдан бошлаб 5 соат ичида Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор томонидан видео ёки матн шаклда расмий муносабат билдириш. | Ҳар бир тадбир якуни бўйича<br><br>Маълумот мавжуд бўлган ҳолларда | Х.Раупов,<br>А.Жўраев,<br>Б.Абдуллаев |
| **6.** | Хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш. | "НКМК" АЖ *(кейинги ўринларда – Жамият)* фаолияти ҳақида хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш. | Ҳар йили | Х.Раупов,<br>тегишли масъуллар |

**II. "НКМК" АЖнинг расмий веб-сайтида ахборотларни жойлаштириш ҳолатини такомиллаштириш.**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **7.** | Жамият расмий веб-сайтида қайта алоқа тизимини самарали йўлга қўйиш. | Фуқаролар томонидан тез-тез бериладиган саволларга жавоблар учун алоҳида саҳифа ташкил этиб, уларга қонунчилик ҳужжатлари асосида асослантирилган ва ўз вақтида жавоблар эълон қилиб бориш. | Ҳар ойда | Ш.Идиев,<br>Х.Раупов,<br>Б.Давлатов,<br>тегишли масъуллар |
| **8.** | Ташкилот фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш. | Жамият фаолиятига тааллуқли бўлган (ҳуқуқий мақомини, шу жумладан таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, вазифа ва функцияларини белгилайдиган) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий веб-сайтда жойлаштириб бориш. | Ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб етти кун ичида | Т.Демура,<br>Х.Раупов |
| **9.** | Ички идоравий ҳужжатларни (очиқ маълумотларни) эълон қилиш. | Ходимлар фаолиятини тартибга солувчи ички идоравий ҳужжатлар ҳужжатларни эълон қилиш, бундан жамиятнинг тижорат ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатлари мустасно. | Ҳужжат қабул қилингандан кейин бир кун ичида | Л.Бобакулова,<br>Х.Раупов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **10.** | Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ҳукумат томонидан давлат органи ва ташкилоти фаолияти соҳасида тасдиқланган дастурлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | “НКМК” АЖ фаолиятига оид Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ҳукумат томонидан тасдиқланган дастурлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштириб бориш. | Ҳар ой | Бош директор ўринбосарлари, соҳалар бўйича директорлар, Н.Джулибеков Х.Раупов, С.Раджабов, тегишли масъуллар |
| **11.** | Оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни олдиндан эълон қилиб бориш. | Ўтказилиши режалаштирилган оммавий тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш. | Режалаштирилган тадбирлардан 1 кун олдин | Х.Раупов, тегишли масъуллар |
| **12.** | Бўш иш ўринлари ва раҳбарлар ротацияси тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Бўш иш ўринлари, раҳбарлар ротацияси, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ҳар ойнинг 15-санаси<br>2023 январ | О.Рахматов |
| **13.** | Ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Жамият томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари билан бирга уларнинг ишлаб чиқилиши ва идоралараро келишуви, шунингдек, муҳокамаси ўтказиладиган электрон тизимлардаги (портал, платформа) ҳаволаси ҳақидаги маълумотларни (лойиҳанинг паспорт маълумотлари) эълон қилиш. | Ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳолларда | Т.Демура, Х.Раупов |
| **14.** | Мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ эълон қилиш. | Ўзгартириш киритилса бир ҳафта муддатда | С.Мирякубов, С.Муртазаев |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **15.** | Жамият ҳамда унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Жамият ҳамда унинг таркибий бўлинмалари схематик тасвири, шу жумладан вазифалари ва функцияларининг тавсифи, раҳбарларининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда алоқа маълумотлари (телефон рақами, почта, электрон манзили ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ўзгартириш киритилса бир ҳафта муддатда | Б.Турсунов<br>О.Рахматов |
| **16.** | Идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг веб-сайтига ҳаволалар қўйиш. | Жамият расмий веб-сайтида идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг веб-сайтига ҳаволалар қўйиш. | 2022 йил<br>30 декабрь | Б.Давлатов,<br>Х.Раупов |
| **17.** | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби (раҳбарнинг қабул кунлари, мурожаатлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмаларнинг телефон рақамлари, манзилли реквизитлар (почта, электрон манзили ва бошқалар), маълумотлар бериш хизмати, «ишонч телефонлари»нинг рақамлари, кириш йўллари, тўхташ жойлари, жамоат транспорти рақамлари ва жавоб хатларини олиш усуллари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санаси | Ш.Идиев |
| **18.** | Мурожаатларнинг умумлаштирилган натижаларини эълон қилиб бориш. | Реал вақт режимида мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида умумлаштирилган маълумотларни (умумий кўриб чиқилган, шундан қаноатлантирилган, тушунтириш берилган, рад қилинган, тааллуқлилиги бўйича юборилган, аноним деб топилган ва кўриб чиқилаётган мурожаатлар) эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санаси | Ш.Идиев |
| **19.** | Бошқа расмий веб-сайтлар ва Ҳукумат порталига ҳаволаларнинг мавжудлиги. | Интернет тармоғидаги ўнтадан кам бўлмаган веб-сайт ва Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ҳаволалар яратиш. | Ҳар йилнинг<br>15 январи | Б.Давлатов,<br>Х.Раупов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **20.** | Матбуот хизмати ва веб-сайт учун масъул бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш. | Матбуот хизмати ва расмий веб-сайтга ахборотларни жойлаштириш ва янгилаш учун жавобгар ходимнинг алоқа маълумотларини (Ф.И.Ш., телефон, почта ва электрон манзиллари) киритиб бориш. | Ўзгартириш киритилса бир ҳафта муддат ичида | Х.Раупов, Б.Давлатов |
| **21.** | Расмий веб-сайтнинг мобил версиясини яратиш. | Мобил қурилмалар учун соддалаштирилган дизайндаги ёки саҳифалар мослаштирилган веб-сайт версиясини яратиш. | 2022 йил 30 декабрь | Б.Давлатов, Х.Раупов |
| **22.** | Янги маълумотлар билан интерактив усулда танишиш имкониятини яратиш. | Веб-сайтдаги янгиликлар ва янгилашларга, шу жумладан янгилашлар ва янгиликларни етказиб беришнинг оммабоп форматлари (SMS ёки PUSH хабар) орқали обуна бўлиш имкониятини яратиш. | 2023 йил 1 апрель | Б.Давлатов |
| **23.** | Жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаларини жорий этиш. | Жамият фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаларини (онлайн-сўровлар, блоглар, форумлар, онлайн-чат) жорий этиб, уларнинг натижалари тўғрисида ҳисоботларни эълон қилиш. | Ҳар йили 20 февраль | Х.Раупов, Б.Давлатов, А.Жўраев |
| **24.** | Имконияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлигини ошириш. | Имконияти чекланган шахслар учун расмий веб-сайтдан фойдаланиш учун ташкил этилган хизматларни (веб-сайтдаги матнни товуш жўрлигида бериш имконияти, аудио ва видеоматериалларнинг матн ёки сурдотаржима кузатуви) жорий этиш. | Маълумот жойлаштирилаётган вақтда | Б.Давлатов |
| **25.** | Кўриш қобилияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлигини ошириш. | Кўриш қобилияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланишни қулайлаштириш (кўриш қобилияти заифлашган шахсларни қўллаб-қувватлаш, стандарт рангларни муайян фойдаланувчи кўрадиган рангларга ўзгартириш имконини берадиган рангли созламалардан фойдаланиш, шрифт ва интерфейс элементларини масштаблаш). | 2023 йил 20 февраль | Б.Давлатов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **26.** | Ахборотларнинг санасини кўрсатиш тартибига риоя қилиш. | Жамият расмий веб-сайтига жойлаштирилаётган барча ахборот ва маълумотларнинг санаси кўрсатилиши тартибига риоя қилиш. | Доимий | Б.Давлатов, Х.Раупов |
| **27.** | «Онлайн маслаҳатчи» хизматини ташкил этиш. | Жамият фаолиятига, шунингдек, расмий веб-сайтга маълумотларни жойлаштириш ва реал вақт режимида жавоб олиш имконини берувчи «Онлайн маслаҳатчи» хизматини такомиллаштириш. | Доимий | Ш.Идиев, Б.Давлатов |
| **III. Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимини йўлга қўйиш.** | | | | |
| **28.** | Жамият фаолиятига оид ҳисобот ва кўрсаткичларни эълон қилиш. | Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти бўйича ҳисоботни эълон қилиб бориш. | Ҳисобот қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида | А.Шаймарданов, А.Фадеев |
| | | Жамият фаолиятига оид кўрсаткичларни эълон қилиш. | Ҳар йили 1 март | А.Шаймарданов, Ж.Новикова, У.Костаев |
| **29.** | Ҳисоботларни муҳокама қилиш ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ҳар йили 10 март | Х.Раупов, тегишли масъуллар |
| **30.** | Ҳисоботларни муҳокама қилиш. | Ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш. | Ҳар йили 1 апрель | Х.Раупов, тегишли масъуллар |
| **31.** | Ҳисобот (ҳайъат) йиғилишлари маълумотларини эълон қилиш. | Йил давомида ўтказилган ҳисобот (ҳайъат) йиғилишларининг видеоёзувлари ва баённомаларини эълон қилиш. | Доимий | С.Мирякубов, С.Муртазаев |
| **32.** | Мансабдор шахсларнинг харажатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари ҳақидаги маълумотларни (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, тури, молиялаштириш манбаи, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар) эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санаси | Ж.Новикова |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **33.** | Автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Тасарруфидаги хизмат автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни (сони, русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, балансга олинган вақти ва қиймати, сақлаш харажатлари, ҳисобот даврида ҳаракатланган масофаси) очиқ эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санаси | Р.Эргашев |
| **34.** | Кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Тасарруфидаги кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларни (сони, жойлашган манзили, давлат рўйхатидан ўтказилган кадастр рақами, балансга олинган вақти, қиймати, қайта баҳоланган нархи ва сақлаш харажатлари) очиқ эълон қилиш. | Ҳар йили 15 февраль | М.Жабборов, Ж.Новикова |
| **35.** | Бизнес-режа тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Тасдиқланган бизнес-режа билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш. | Бизнес-режа қабул қилинган кундан бошлаб етти кун ичида. Ижроси бўйича ҳар чоракдан кейинги ойнинг 15-санаси | У.Костаев, М.Алкаров, С.Рустамов, Р.Эргашев |
| **36.** | Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш. | Инновацион фаолиятни қўллаб-кувватлаш жамғармасининг тушумлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санаси | К.У.Гафуров |
| **37.** | Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Амалга оширилган ҳар бир давлат хариди (аукцион, электрон дўкон, энг яхши таклифни танлаш, тендер ва тўғридан-тўғри харид) тўғрисидаги маълумотларни (лот рақами, харид тури, миқдори, молиялаштириш манбаи, етказиб берувчи номи ва СТИР рақами, харид бошланғич қиймати, харид амалга оширилган қиймат, шартнома рақами ва санаси, етказиб бериш муддати, тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олишнинг асоси) эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-санаси | С.Рустамов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **38.** | Харид комиссияси таркиби тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни (харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор, харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари, шу жумладан фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) эълон қилиш. | 2022 йил<br>30 декабрь<br><br>(ўзгартириш киритилса бир ҳафта муддат ичида) | С.Рустамов |
| **39.** | Давлат харидларини амалга оширишга оид тартиб-таомиллар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи ички идоравий ҳужжат ҳамда давлат харидларига оид шикоятларни кўриб чиқувчи комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотларни (комиссия таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор, харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари, шу жумладан фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) эълон қилиш. | 2022 йил<br>30 декабрь<br><br>(ўзгартириш киритилса бир ҳафта муддат ичида) | С.Рустамов |
| **40.** | Очиқлик соҳасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш. | Ҳар йили очиқлик соҳасидаги жамият фаолиятини такомиллаштириш ёки кўламини кенгайтириш бўйича 3 тадан кам бўлмаган таклифларни ишлаб чиқиб, очиқ эълон қилиш. | Ҳар йили<br>январ 2023<br>декабр -"- | Х.Раупов,<br>А.Солиев |
| **41.** | Ўзини ўзи баҳолаш тартиби тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш | Ҳар йил якуни бўйича Жамият тасарруфидаги таркибий бўлинмаларда очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиб, якуний ҳисоботларни очиқ эълон қилиб бориш. | Ҳар йили | Х.Раупов,<br>А.Солиев |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **42.** | Очиқлик соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Очиқликни таъминлаш ҳақидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги юзасидан шикоят қилиш механизмларини (тартиби) ишлаб чиқиб, бу ҳақдаги маълумотларни (ушбу тоифадаги шикоятларни кўриб чиқиш учун масъул шахс бириктирилганлиги, алоҳида алоқа каналлари) эълон қилиб бориш. | Доимий<br><br>(ўзгартириш киритилса бир ҳафта муддат ичида) | Ш.Идиев,<br>Х.Раупов,<br>А.Солиев |
| **43.** | Очиқликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Очиқлик соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлар, шу жумладан ички идоравий ҳужжатларнинг бошқа тиллардаги таржималарини (рус ва инглиз) эълон қилиш. | Ҳужжатлар қабул қилингандан кейин 15 кун муддатда | Т.Демура,<br>Л.Бобакулова,<br>Х.Раупов,<br>А.Солиев |
| **44.** | Очиқликни таъминлаш бўйича онлайн сўровнома ўтказиш блокини ташкил этиш. | Жамият фаолиятида аҳолини қизиқтирган масалалар, шу жумладан очиқликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан онлайн сўровнома ўтказиб бориш. | Ҳар ярим йилда бир маротаба | Х.Раупов,<br>Б.Давлатов |
| **45.** | Очиқ маълумотлар тўпламини паспортлаш тартибини жорий этиш. | Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар тўпламини (расмий веб-сайтда) бир хил идентификация қилиш имконини берувчи паспорт маълумотлари (тўпламнинг номи, идентификация рақами, таркиби, мулкдори, тўплам учун масъул шахс Ф.И.Ш., телефон рақами ва электрон почтаси, тўпламнинг очиқ маълумотлар порталидаги манзили, формати, жойлаштирилган санаси, охирги янгиланган санаси, даврий янгилаб бориш муддати ҳамда калит сўзлар) асосида эълон қилиб бориш. | Доимий | Б.Давлатов,<br>Х.Раупов |
| **46.** | Очиқ маълумотлар тўплами ва қайта алоқа самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш. | Ҳар бир очиқ маълумотлар тўпламининг долзарблигини баҳолаш имкониятини (тўпламни автоматик баҳолаш, сўровлар юбориш, долзарблигини ошириш юзасидан таклифлар қабул қилиш, матн шаклида изоҳ қолдириш ва тўплам кўриб чиқилган ҳамда кўчириб олган фойдаланувчилар сони) яратиш. | Доимий | Б.Давлатов,<br>Х.Раупов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **IV. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштириш.** | | | | |
| **47.** | Капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | Ф.Баҳронов М.Алкаров |
| **48.** | Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ўтказилган энг яхши таклифни танлаш (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | С.Рустамов |
| **49.** | Асосий воситаларнинг харид қилиниши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Асосий воситаларни харид қилиш учун ўтказилган энг яхши таклифни танлаш (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | С.Рустамов, Ж.Новикова |
| **50.** | Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг хариди тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни харид қилиш учун ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | С.Рустамов, Ж.Новикова |
| **51.** | Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган танловлар (тендерлар) тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатда тўлиқ эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | С.Рустамов, М.Алкаров |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **V. Оммавий коммуникация технологияларини жорий қилиш.** | | | | |
| **52.** | Қайта алоқани ташкил этиш. | «Ишонч телефонлари» (Call-марказлар) орқали қайта алоқани ташкил этиш. | 2022 йил 20 декабрь | Ш.Идиев, Б.Давлатов |
| **53.** | Мурожаат йўллашнинг интерактив усулларини ташкил этиш. | Мурожаатни тўғридан-тўғри веб-сайт ёки унинг мобил версияси орқали юбориш, кўриб чиқиш жараёнини реал вақт режимида кузатиб бориш, шахснинг идентификация маълумотлари асосида жавоб олиш, кўриб чиқиш натижаларига нисбатан муносабат билдириш ва баҳолаш имкониятини яратиш. | 2023 йил 1 май | Б.Давлатов, Ш.Идиев |
| **54.** | Фойдаланувчилар билан коммуникация тармоғи орқали мулоқот қилиш тизимини йўлга қўйиш. | Фойдаланувчилар билан коммуникация тармоғи орқали мулоқот қилиш учун махсус дастурий таъминот ва унинг мобил иловасини жорий этиш. | 2023 йил 1 май | Б.Давлатов, Х.Раупов, Ш.Идиев |
| **55.** | Раҳбар билан бевосита мулоқот қилиш тизимини ташкил этиш. | Шахсан раҳбар билан мулоқот қилиш ва мурожаат йўллаш тизими ташкил этиш. | 2023 йил 1 май | Ш.Идиев, Б.Давлатов |
| **VI. Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиқлик тамойилларидан фойдаланиш.** | | | | |
| **56.** | Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир ички идоравий ҳужжатларни очиқ эълон қилиш. | Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир идоравий ҳужжатларни (коррупцияга қарши курашиш сиёсати, манфаатлар тўқнашувини бошқариш ҳақида низом, одоб-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубияти, контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома, давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом, коррупциявий | Ҳужжат қабул қилинганда бир ҳафта муддатда | А.Солиев, Х.Раупов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва баҳолаш услубияти, коррупциявий ҳаракатлар ҳақида маълумот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қайта ишлаш регламенти, соҳадаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти) эълон қилиш. | | |
| **57.** | Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоҳида алоқа каналлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоҳида алоқа каналлари («ишонч телефони», электрон почта ва бошқа электрон манзиллар, телеграм бот, платформа ёки бошқа махсус дастурий таъминот) ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш. | 2023 йил<br>1 февраль | А.Солиев,<br>Х.Раупов,<br>Б.Давлатов |
| **58.** | Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими жорий этиш. | Расмий веб-сайтда ишга қабул қилиш тўғрисидаги маълумотларни (ахборот) эълон қилиш, бўш иш ўринлари учун номзодларни танлаш жараёнлари жонли (онлайн) трансляция қилиб тизимини яратиш. | 2023 йил<br>1 апрель | О.Рахматов,<br>А.Солиев,<br>Х.Раупов,<br>таркибий бўлинма раҳбарлари |
| **59.** | Коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини белгиловчи ҳужжатларни эълон қилиш. | Меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларда (меҳнат ёки жамоат шартномаси) коррупцияга қарши шартларни киритиш.<br>Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ва уларни таъқибга олмаслик кафолатини белгиловчи ички идоравий ҳужжатларни эълон қилиш. | 2023 йил<br>1 февраль<br><br>2023 йил<br>1 февраль | О.Рахматов,<br>А.Солиев<br><br>А.Солиев |
| **60.** | Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимини жорий этиш. | Аниқланган ҳар бир манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига нисбатан ички идоравий текширув натижалари, қабул қилинган қарор ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотни (ҳисобот, ахборот ва бошқа) эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | А.Солиев |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **61.** | Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва натижалари ҳақида ҳисобдорлик тизимини йўлга қўйиш. | Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирларни (таҳлиллар ва жамоатчилик сўровлари, шу жумладан онлайн сўровнома натижалари, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги ҳисоботлар (ахборот), ички идоравий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза натижалари) эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | А.Солиев |
| **62.** | Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-таомилларидан хабардорлиги ҳамда соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш. | Ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан янги ишга қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш бўйича жорий этилган тизим, ишлаб чиқилган махсус ўқув дастурлар, қўлланма ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиш. | 2023 йил 20 январь | А.Солиев, О.Рахматов, Х.Раупов |
| **63.** | Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган пресс-тадбирларни (матбуот анжуманлари, брифинг, семинар, тренинг, давра суҳбати, тақдимот, муҳокама ва бошқа тадбирлар) эълон қилиш. | Инфографика ва видео форматда эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | Х.Раупов |
| **64.** | Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тайёрланган тарғибот материалларни (слайд, ролик, маъруза матнлари, мақола, буклет, рисола ва бошқалар) эълон қилиш. | Слайд, ролик, буклет ва рисола шаклида эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | А.Солиев, Х.Раупов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **VII. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти самарадорлиги ошириш** | | | | |
| **65.** | Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш бўйича белгиланган талабларни бажариш. | Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантиришга оид талабларга (таркибнинг камида 50 фоизини нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ташкил этиши ва Жамоатчилик палатаси билан келишилганлиги ҳақидаги маълумотлар киритилган давлат органи раҳбарининг қарори, аъзоларининг сони 15 нафардан кам бўлмаслиги, таркибида ишчи (эксперт) гуруҳлар ташкил этилганлиги) риоя этиш ва бу ҳақдаги маълумотларни (ҳужжатлар) очиқ эълон қилиш. | 2023 йил<br>20 январь. | Х.Раупов<br>И.Рахматов,<br>А.Солиев |
| **66.** | Жамоатчилик кенгашининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда эълон қилиш. | Жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган низоми, амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар бўйича ҳар йиллик чора-тадбирлар режаси ва тасдиқланган режа асосида ўтказилиши кутилаётган йиғилишлар жадвалини эълон қилиш. | 2023 йил<br>15 февраль | Жамоатчилик кенгаши раиси,<br>Х.Раупов,<br>Т.Демура,<br>А.Солиев |
| **67.** | Жамоатчилик кенгашининг очиқликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органи фаолиятини такомиллаштиришдаги иштирокини таъминлаш. | Кенгашнинг очиқликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органи фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширган чора-тадбирлар ҳақидаги (очиқлик, шаффофлик ва жамоатчилик олдида ҳисобдорликни таъминлаш, давлат дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатлар бўйича берилган вазифалар ижросига оид ҳисоботларни эшитиш, хорижий мамлакатлардаги аналогик органлар тажрибаси ўрганилиб, ички ҳужжатлар ва фаолиятни такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилганлиги) таҳлилий маълумотларини мунтазам эълон қилиш. | Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10-санаси | Жамоатчилик кенгаши раиси,<br>Х.Раупов,<br>А.Солиев |
| **68.** | Расмий веб-сайтда жамоатчилик | Жамоатчилик кенгашига бағишланган алоҳида | Ҳар чорак | Х.Раупов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кенгаши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш. | саҳифа ташкил этиб, кенгаш фаолияти ҳақидаги (жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар, тасдиқланган аъзолари рўйхати, телефон рақами, почта ва электрон манзиллари, ижтимоий мессенжерлардаги расмий саҳифалари, давлат органи раҳбарининг даврий ҳисоботлари эшитуви ҳамда кенгаш фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақола ва чиқишларнинг ёритиб борилиши) маълумотларни эълон қилиш. | | |

**Чора-тадбирлар режасида белгиланган масъул ижрочилар раҳбар имзоси билан тасдиқланган маълумотларни ўз муддатида электрон форматда Lotus дастури орқали Farruh Farhodovich Norkulov/NGMK/UZ@NGMKra тақдим этишлари керак.*

***Масъул ижрочилар бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар мазкур чора-тадбирларни бажаради.*